

## Ҳалол яшаш ҳаловатдир



18:06 / 21.05.2018 4635

Алҳамдулиллаҳ, доимо халқ орасида юрамиз, кечаю кундуз одамлар билан мулоқотда бўламиз. Кимнингдир ҳаёт тарзидан хурсанд бўлсак, кимларнингдир дунёқарашидан ранжиймиз.

Ёши улуғларимиздан кўп эшитганмиз. Ўтган асрнинг қирқинчи, элтигинчи йилларида халқнинг бошига шундай қийинчиликлар тушганки, эшитган одам «Оҳ!» деб юборди. Лекин ана шундай вақтларда ҳам одамлар ҳалол яшашган. Умумий, оммавий сабрқаноат бўлган. Очарчилик, қаҳатчилик, турли офатлар тезтез бўлиб турган, очлик, касалликлардан қанчақанча одамлар ўлиб кетишган, бироқ ялпи талонтарош бўлмаган. Нимага? Чунки одамларнинг инсофи, иймони бўлган, қорни оч эса-да, кўзи тўқ бўлган.

Инсон дунёнинг қаерида яшамасин, барибир, нима биландир шуғулланиб, тирикчилик қилиши керак. Бу ҳамма биладиган ҳақиқат. Шароитлар сал

бошқачароқ, енгил ёки оғирроқ бўлиши мумкин. Бироқ ҳар жойнинг ҳам ўзига яраша яхшиёмон томонлари бор. Мукаллаф ҳар бир мусулмон ҳалол ризқ излашга буюрилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ёзадилар: «Ибодат фақат намозу рўзадан иборат эмас». Демак, бир мусулмон киши газета кўтариб, сотиб юрадими, фаррош бўлиб ишлайдими, мол боқадими, бирор юқори идорада, заводда ишлайдими, ҳарбий ва бошқа хизматлар билан машғулми, машинаси билан киракашлик қиладими, агар нияти тўғри бўлса, у ибодат қилаётган бўлади. Минглаб ракъат нафл намоз ўқиган, роса иссиқ ёки ўта совуқ кунда нафл рўза тутган кишилар қанчалик савоб топса, ўшанчалик савоб топиши ҳам мумкин бўлади. Мўмин банда касб қилиб чарчаса, фарз ибодатини адо этиб, ухлаб қолса, уйқуси ҳам ибодат бўлиб ёзилаверади. Чунки у ҳам диний, ҳам дунёвий ибодат билан банд эди.

**Сайид Раҳматуллоҳ Термизий**

*“Ҳалол касб – фаровонлик омили” китобидан*